

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЯШИРИН
ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Рахмонов Лочин Тўхтамишович

и.ф.ф.д.(PhD) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва
макроиқтисодий тадқиқотлар институти
мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада яширин иқтисодиётга қарши курашишда рақамли технология воситаларининг ўрни очиқ берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, «Big Data», «Cloud Computing», «Artificial intelligence», «Blockchain technology», интернет.

Abstract. The article reveals the role of digital technology tools in the fight against the shadow economy.

Keywords: digital economy, "Big Data", "Cloud Computing", "Artificial intelligence", "Blockchain technology", internet.

Тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган мулоқотларда билдирилган фикрлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг таклифларини чуқур таҳлил қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси президентининг “Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. [6] Фармон билан яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгиланди. Жумладан, фармонда яширин иқтисодиёт кўламини кескин қисқартириш орқали мамлакатда соғлом рақобат ва хусусий бизнесни ривожлантириш зарурлиги таъкидланган.

Ушбу фармондан кўзланган асосий мақсад қонунга итоаткор тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш, яширин иқтисодиётни репрессив йўл билан эмас, балки уларни рағбатлантириш механизмлари ва амалий кўмак бериш орқали кўламини камайтиришдан иборат. Шунингдек, жазолаш чораларини кучайтиришдан воз кечган ҳолда инсофли тадбиркорни ҳимоя қилиш, уларга

хақиқий кўмакчи бўлиш ҳамда бизнес ривожига тўсиқ бўлувчи коррупцион омилларга барҳам бериш ҳисобланади.

Авваламбор, шунини қайд этиб ўтиш лозимки “яширин иқтисодиёт”нинг халқаро эътироф этилган ягона тарифи ҳамда унинг кўламини аниқлашнинг аниқ усуллари мавжуд эмас [1]. “Яширин иқтисодиёт” атамаси адабиётларда “норасмий иқтисодиёт”, “хуфиёна иқтисодиёт”, “соядаги иқтисодиёт” ва бошқа турли атамалар билан ҳам юритилади. Яширин иқтисодий фаолият асосан латент, яъни яширин хусусиятга эга бўлиб, уни амалга ошириш усуллари доимий ўзгарувчанлик, мураккаблашиб бориш, турли схемалар орқали содир этилиши каби хусусиятларга эга. Бу эса уларни аниқлаш ва фож этиш мураккаб эканлигини англатади. Бу борада олиб борилган тадқиқотларга кўра коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи асосий кучлар бўлиб, коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт ўртасида чамбарчас алоқа мавжуд, улар маъмурий тўсиқлардан иборат умумий илдизларга эга[2].

Мамлакатда “хуфиёна иқтисодиёт” даражасининг юқорилиги порахўрлик даражасининг ҳам юқори даражада бўлишига замин яратади[3]. Паст даромадли давлатларда “хуфиёна иқтисодиёт” кўламини ошириш билан коррупция даражаси ҳам ошириш аниқланган[4]. Шунингдек, “яширин иқтисодиёт” ва инфляция бир-бири билан мусбат боғлиқ, солиқ юки билан эса манфий боғлиқлик мавжуд[5]. “Яширин иқтисодиёт” билан норасмий бандлик таҳлили ривожланаётган давлатларда норасмий банд фуқаролар сони расмий меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар сонидан катта эканлигини кўрсатади[6]. Норасмий иқтисодий фаолият кўламини кенгайтириш билан ўз домига ҳалол фаолият кўрсатаётган иқтисодий субъектларни ҳам тортиши[7] шахснинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланади[8]. Айрим тадқиқотчилар яширин иқтисодий фаолиятнинг баъзи жиҳатлари (бозор иқтисодиётига ўтишга кўмаклашиши, яширин иқтисодиётда олинган даромадларнинг камида учдан икки қисми расмий иқтисодиётда сарфланиши ва бошқ.) билвосита бошқа секторларга ижобий таъсир қилишини эътироф этишади[9]. Шу каби, “хуфиёна иқтисодиёт” ўтиш давлатлари учун табиий ҳолат бўлиб, уларда расмий сектор фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиши, бироқ узок муддат давомида яширин иқтисодиётнинг мавжуд бўлиши мамлакат тараққиётига салбий таъсир қилиши

таъкидланиб, ўтиш мамлакатлари учун яширин иқтисодий қисқартириш бўйича тегишли чора-тадбирлар таклиф этилган[10].

Маълумки, рақамли иқтисодий техник ютуқлар, глобал тармоқ ва ахборот тизимлари воситасида иқтисодий муносабатлар сегментини ифодалайди. Бироқ, рақамлаштириш, ҳар қандай жараён ҳамда технология ва асбоблар каби таркибий қисмлардан фойдаланмасдан амалга ошмайди. Улар давлат, халқ, банк ва корхоналар ўртасида воситачилар бўлиб, контрагентлар занжирларини қисқартиради ва қарор қабул қилиш тезлигини оширади.

Агар иқтисодий «Олтин қоида» бўйича эга бўлиши мумкин бўлган капитал захирасидан ортиқча капитал захираси билан ривожланаётган бўлса, унда бу ҳолатда жамғарма меъёрини пасайтиришга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш зарур. Жамғарма меъёрининг камайиши истеъмолнинг ошиши ва унга мувофиқ равишда инвестицияларнинг пасайишига олиб келади, демак капитал захирасининг барқарор даражасининг пасайишига ҳам олиб келади.

Агар иқтисодий барқарорлик ҳолатида «Олтин қоида» дагидан кам капитал билан қуролланганлик билан ривожланаётган бўлса, унда жамғарма меъёрини ошириш зарур. Бу инвестицияларни ошириб истеъмолни пасайтиради, лекин капиталнинг жамғарилиб бориши бўйича қандайдир вақтдан бошлаб яна ўса бошлайди. Натижада иқтисодий яна янги мувозанат ҳолатига эришади аммо олтин қоидага мувофиқ бўлган ҳолда, бунда истеъмол дастлабкига нисбатан юқорироқ даражага эга бўлади.

Техник тараққий рағбатлантириш Р.Солоу модели техник тараққий фаровонликни барқарор оширувчи ва ўсишнинг оптимал вариантини топишга имкон яратувчи ягона асос сифатида кўрсатади. Бироқ у техник тараққий ташқи (Экзоген) омил сифатида кўриб чиқади, демакки уни тушунтирмайди. Айрим олимларнинг фикрича, техник тараққийнинг детерминантлари бугунги кунда етарлича аниқ эмас. Бироқ давлат сиёсати турли хил инструментлардан шу жумладан илмий тадқиқот ва лойиҳа – конструкторлик ишларидан фойдаланиб техник тараққий рағбатлантириши мумкин. Масалан, патент қонунчилигини мукамаллаштириб, айрим ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Германия) узоқ муддат давомида янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳуқуқига монополияни беришди. Солиқ тўғрисидаги қонунлар кўпгина мамлакатларда илмий тадқиқот

ташкilotларига бир қанча имтиёзлар беради. Махсус ташкил этилган миллий илмий фондлар фундаментал илмий тадқиқотларга субсидиялар беради. Ҳозирги кунда маблағларни инсон капиталига йўналтириш ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда, техник тараққиётда у асосий ролни ўйнайди.

Янги технологиялар ва шахслар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг транзакцион харажатларини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат идоралари билан янада яқинроқ алоқа ўрнатиш имконини беради. Натижада, тармоқ хизматларига асосланган иқтисодиёт рақамли ёки электрон шаклланади. «Рақамлаштириш» концепцияси замонавий интернет-технологияларни самарали бошқариш ва ўзаро муносабатларнинг ошишига олиб келади.

Бугунги кунда турли хил рақамли платформалар ўзаро боғланган, маълумот алмашиш «экосистемалар»га бирлашмоқда. Кун тартибида кўплаб турли бозор ва корхоналарни қамраб оладиган янги авлод рақамли платформаларини яратиш ва ишга тушириш масалалари муҳокама қилинди.

Агар платформа концепцияси аввало савдо ва логистика сегментида ишлаб чиқилган ва амалга оширилса, рақамли ривожланиш ҳайдовчиси «Industry 4.0» концепцияси ва «Industry 4.0» асосий технологияси сифатида ақлли завод (Smart Factory) ҳисобланади.

«Smart Factory»нинг барча йўналишлари тўлиқ автоматлашган, шунингдек, барча жараёнлар компютерга бирлаштирилган, юқори даражада мослашувчанлик, дизайндаги тезкор ўзгаришларга эга бўлади. Серияли маҳсулот ишлаб чиқаришда АКТнинг улуши ва аҳамияти алоҳида буюртмалар учун мураккаб техник маҳсулотлар учун қўлланилиши билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш линиялари тезда янгиланиб, қайта қуриш имкониятига эга бўлган саноат тармоқлари орқали автоном тизимлар томонидан бошқарилади.

Рақамли иқтисодиётнинг кенг жорий этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишида, янги тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишида, хизматлар сифати ва уларни кўрсатишнинг оптималлашишида, иқтисодиётнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши ва бу орқали ҳаёт сифатининг яхшиланишида муҳим ҳисобланади.

Юқоридагилар асосида қуйидаги хулосага келамиз, яширин иқтисодиёт шаклланишининг турли схемалари, хуфиёна ишлаб чиқариш ва ноқонуний

молиявий оқимларга барҳам бериш орқали иқтисодий барқарорликни ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш даркор. Бундан ташқари, иқтисодиётдаги хуфиёна айланмаларга қарши курашувчи давлат органлари фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилаш орқали масъулияти ва жавобгарлигини ошириш ва кенг жамоатчиликда яширин иқтисодиётга мурасасизлик ҳиссини шакллантириш кўрсатиб ўтилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Schneider, F. and Buehn, A., 2018. Shadow economy: Estimation methods, problems, results and open questions. *Open Economics*, 1(1), pp.1-29.
2. Қобилов Ш. Р., Абдуллажонов Н. Б. Коррупция ва хавфсизлик. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. - 43 б.
3. Тагаев Б.А., “Хуфиёна иқтисодиёт” иқтисодий хавфсизликка таҳдид сифатида, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2015 йил
4. Dreher, A. and Schneider, F., 2010. Corruption and the shadow economy: an empirical analysis. *Public Choice*, 144(1-2), pp.215-238.
5. Mazhar, U. and Méon, P.G., 2017. Taxing the unobservable: The impact of the shadow economy on inflation and taxation. *World Development*, 90, pp.89-103.
6. <https://daryo.uz/k/2024/01/18/yashirin-iqtisodiyotga-qarshi-kurashish-borasida-davlat-siyosatining-ustuvor-yonalishlari>